

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**ТАДЖИБОЕВ ХАСАНБОЙ РУСТАМБЕК ЎҒЛИ**

**ХЎЖАҒАТ (МАЛИНА) НАВЛАРИНИ АГРОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ  
ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ  
(АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract doctor of philosophy (PhD)  
in Agricultural sciences**

**Таджибоев Хасанбой Рустамбек ўғли**

Хўжағат (малина) навларини агробиологик хусусиятлари ва  
ҳосилдорлигини оширишда ўғитларнинг таъсири (Андижон вилояти  
мисолида)..... 3

**Таджибоев Хасанбой Рустамбек угли**

Влияние удобрений на агробиологические свойства и  
продуктивность сортов малины (на примере Андижанской  
области)..... 21

**Tadjiboev Khasanboy Rustambek ugli**

The influence of fertilizers on the agrobiological properties and  
productivity of raspberry varieties (on the example of the Andijan  
region)..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 41

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМий  
КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**ТАДЖИБОЕВ ХАСАНБОЙ РУСТАМБЕК ЎҒЛИ**

**ХЎЖАҒАТ (МАЛИНА) НАВЛАРИНИ АГРОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ  
ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ  
(АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Qx795 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Хилола Равшановна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc),  
катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Илҳом Турғунович Нормуратов**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор;

**Шоумаров Хикмат Бахромович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор

**Ётақчи ташкилот:**

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил 25 сентябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№551642-рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2024 йил 12 сентябрь куни тарқатилди.  
(2024 йил 16 августдаги 26 - рақамли реестр баённомаси).

**Ш.И.Асатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д. профессор

**М.З.Холмуротов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д. доцент

**С.А.Юнусов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д. профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича хўжағат етиштириш ҳажми 886,5 минг тоннани ташкил қилади. “Хўжағат ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда Россия Федерацияси етакчилик қилиб 197,7 минг тоннани ташкил этса, кейинги ўринларда эса Мексика (165,7 минг тонна), Сербия (110,6 минг тонна), Полша (103,9 минг тонна) ва Америка Қўшма Штатлари (81, 2 минг тонна) бўлиб, ушбу давлатлар хўжағат ишлаб чиқариш ҳажмининг 74,34 фоизини ташкил қилади. Бошқа давлатларда эса жами 227,4 минг тонна хўжағат етиштирилади”<sup>1</sup>. Айрим мамлакатларда хўжағат етиштириш ҳажми бошқа мевали экинларга нисбатан анчагина паст кўрсаткичга эганлиги бу хўжағат навларини етарли эмаслиги ҳамда уларга мос агротехник тадбирларни қўлланилмаслигидир. Шунинг учун хўжағатнинг юқори ҳосилли, турли тупроқ иқлим шароитларига мос навларини танлаш ва уларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланмоқда.

Жаҳонда Россия, АҚШ, Польша, Мексика ва Европанинг бошқа мамлакатларида хўжағат етиштиришнинг мақсадли йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини оширишга, ишлаб чиқаришда серҳосил, биокимёвий таркиби яхши, меванинг товар хусусияти юқори бўлишини таъминлашда ҳамда ҳосилдорлигини оширишда турли хил ўғитларни қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш устида изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда хўжағат турларини етиштиришда экиш схемаларини белгилаш ва парваришлашнинг айрим элементларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилган. Бироқ, етиштирилаётган хўжағат навлари орасида Давлат реестрига киритилган навлар мавжуд эмаслиги ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган агротехнологиялар ҳилма-хиллиги етарли даражада эмаслиги ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш заруратини юзага келтирган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» нинг 30-бандида «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш»<sup>2</sup> масалалари алоҳида белгилаб қўйилган. Хўжағат етиштиришда серҳосил ремонтант навлар билан бойитиш, уларни етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4850-сон “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги, 2020 йил 28

<sup>1</sup> <https://knoema.com/data/agriculture-indicators-production+raspberries>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.

январдаги ПҚ-455-75-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ёки интенсив мева-сабзовотчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ва бошқа мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада ҳизмат қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хўжағат турлари ва навларини ўрганиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар Россия ва бошқа мамлакатларда А.А.Беляев, А.Атанасов, И.Н.Александров, Н.В.Шеюхина, О.Н.Дружинкина, И.А.Бохан, А.Д.Бурмистров, В.Л.Витковский, В.В.Вовк, З.Н.Ворончихина, В.А.Висоцкий, В.В.Данков, Д.Ч.Джаяратне, С.Н.Эвдокименко, С.Д.Элсакова, А.И.Ермаков, Н.Г.Жучков, Б.С.Закотин, В.Н.Шарипов, В.М.Зерюков, А.Б.Зуев, Е.А.Иванова, В.Я.Марков, К.А.Иванова, И.В.Казаков, В.Л.Кулагина, И.В.Казаков, О.Г.Казаков, В.В.Кичина, А.К.Кондаков, Т.Н.Косолапова, Л.С.Красовская каби олимлар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистонда хўжағат дастлаб 1947 йилда С.И.Ягудина томонидан ўрганила бошланган бўлиб, сўнгра турли йилларда Р.М.Абдуллаев томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Аммо, республикамизда хўжағатнинг интродукция қилинган навларини ўсиб ривожланишининг физиологик ва хўжалик-биологик хусусиятлари, юқори сифатли ҳосил олиш ва технологик масалалари етарлича ўрганилмаган. Юқорида кўрсатилган олимлар томонидан малинанинг морфо-биологик хусусиятлари, ўсиш ва ривожланиш фазалари, қандлик миқдори, навларнинг ўғитларга таъсири бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилган ва ушбу илмий изланишлар натижасида кўплаб ташқи муҳит омилларига чидамли, ҳосилдор навлар яратилган. Навларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб ҳосилдорликни янада ошириш мақсадида турли хил ўғитларнинг таъсири ва миқдорларни усуллари ишлаб чиқилган.

Республикамизда хўжағат навларининг ўсиш ва ривожланиш фазалари, хўжалик-биологик хусусиятлари, ташқи муҳит омилларга чидамлилиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бугунги кун жаҳон талабларига мос истиқболли, сифатли, экспортбоп ва юқори ҳосилли навларини ўрганиш ва республикамиз тупроқ-иклим шароитига мосларини танлаш, уларни етиштиришда нав хусусиятларидан келиб чиқиб ҳосилдорликни янада ошириш мақсадида мақбул ўғит қйллаш меъёорларини топиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ва М.Мирзаев номли БУВИТИ Андижон филиали билан ҳамкорликдаги №ҚХФ-5-028. “Резавор мевали ўсимликларнинг муҳитнинг

обиотик омилларига (иссиққа, қурғоқчилик ва совуққа) чидамлилигининг оширишнинг физиологик ва биокимёвий механизмларини ўрганиш ва қонуниятларини аниқлаш” (2017-2020 йил), №AL-274722032415 «Олтинсимон қорағат ва малинанинг лалми тупроқ иқлим шароитига мос, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, меваларининг сифати юқори бўлган навларини яратиш» (2024-2026) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** хўжағат навларини муҳим агробиологик хусусиятларини аниқлаш, юқори ҳосилдор, биокимёвий ва технологик қайта ишлашга яроқли навларни танлаш, ҳосилдорликни оширишда турли меъёрдаги ўғитларнинг таъсирини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдан иборат.

**Тадқиқот асосий вазифалари;**

оддий ва ремонтант хўжағат навларини агробиологик хусусиятларини аниқлаш асосида ҳосил миқдори ва сифати юқори бўлган ҳамда тупроқ иқлим шароитларига мос навларни танлаш;

органик ва минерал ўғитлар таъсирида хўжағат навларининг фенологик фазаларини ўтиш муддатларини аниқлаш;

органик ва минерал ўғитлар таъсирида хўжағат навларининг новда ва баргларининг шаклланиш динамикасини аниқлаш;

қўлланилган ўғит меъёрларининг тупроқдаги озика моддалар мувозанатига таъсирини аниқлаш;

хўжағат навлари мевасининг биокимёвий таркиби ўзгаришига органик ва минерал ўғитлар таъсирини аниқлаш;

танлаб олинган хўжағат навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичларига органик ва минерал ўғитлар таъсирини аниқлаш;

хўжағат навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот предмети** турли хўжағат навларинининг агробиологик хусусиятлари, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлик ва меваларнинг сифат кўрсаткичлари, танлаб олинган хўжағат навларига турли меъёрдаги ўғитларнинг таъсири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда хўжағат навларида фенологик кузатувларни олиб боришда Бутун Россия мева экинлар селекцияси илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган “Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур” (1999) услуги бўйича, хўжағат меваларининг биокимёвий таркибини аниқлашда А.И.Ермаковнинг умумий таҳрири остида нашр этилган “Методы биохимического исследования растений” (1979) услуги ёрдамида, хўжағат бутасининг ўсиш ва ривожланиш фазалари В.Л.Витковскийнинг “Изучение динамики роста побегов, формирования почек и цветков у плодовых растений” (1979), услубий қўлланмасида келтирилган тавсияларга асосан ўтказилган, тадқиқотлардан олинган маълумотларга математик ва статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов (1985) тавсия

этган услуби бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат;

илк бор оддий ва ремонтант хўжағат навларини агробиологик хусусиятларини тадқиқ этиш натижасида ҳосилдорлиги юқори ҳамда Андижон вилояти тупроқ иқлим шароитларига мос истиқболли Маравилла ва Геракл навлари танлаб олинган;

органик ва минерал ўғитларнинг  $N_{120}P_{95}K_{80} + 30$  т/га меъёри қўлланилганда фенологик фазаларни эрта ўтиши ва ҳосилнинг эрта пишиб етилиши аниқланган;

органик ва минерал ўғитлар таъсирида новдаларнинг ўсиши  $N_{120}P_{95}K_{80} + 20$  т/га меъёри қўлланилганда, энг юқори кўрсаткичлар Маравилла навида 181,7 см, Геракл навида 189,4 см га етиши аниқланган;

тупроқнинг таъминланганлик даражаси энг юқори кўрсаткич,  $N_{120}P_{95}K_{80} + 20$  т/га ўғит меъёри қўлланилганда, гумус 1,22-1,24% га, ҳаракатчан фосфор 42,2-42,4% га, алмашинувчи калий 206-208% га ортганлиги исботланган;

танлаб олинган Маравилла ва Геракл навлари мевасининг биокимёвий таркибини оширишда  $N_{180}P_{145}K_{120} + 10$  т/га ўғит меъёрини қўллаш қанд миқдорини 14,0-13,8% га, қуруқ моддани 15,6-15,4% га, аскарбин кислота миқдорини эса 1,5-1,5% га ошириши аниқланган;

хўжағат нав намуналарининг ҳосилдорлик кўрсаткичларига кўра, энг юқори натижа  $N_{120}P_{95}K_{80} + 20$  т/га ўғит меъёри қўлланилганда Маравилла навида 211,7 с/га ва Геракл навида 248,2 с/га ни ташкил этиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Андижон вилояти мисолида оддий ва ремонтант хўжағат навларининг коллекция майдонларини ташкил этиш натижасида юқори ҳосилдор, товар кўрсаткичлари ва мевасининг биокимёвий таркиби юқори бўлган навлар ажратилган;

хўжағат коллекцияси ичидан мунтазам ва узок муддат ҳосил берувчи ремонтант навлар ажратиб олинган;

хўжағат навларидан юқори ҳосил олиш учун мақбул ўғит қўллаш меъёрлари ишлаб чиқилган;

хўжағат навларини етиштиришда, энг юқори иқтисодий самарадорлик  $N_{120}P_{95}K_{80} + 20$  т/га ўғит меъёри қўлланилганда Маравилла навида 172626,8 минг сўмни ва Геракл навида 208685,8 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса мос равишда 441,8 ва 528,1% ни ташкил этганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Дала ва лаборатория тажрибалари услубий жиҳатдан тўғри олиб борилганлиги, олинган маълумотларнинг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, дала тажрибаларининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларнинг институт илмий кенгашларида муҳокама қилинганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тажриба натижалари илмий нашрларида чоп

этилганлиги ҳамда тавсиянома яратилиб ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хўжағатнинг оддий ва ремонтант навларига морфобиологик ва хўжалик нуқтаи назардан баҳо берилганлиги, улар орасидан юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб турувчи навларнинг ажратилганлиги, хўжағат навларининг новда ва баргларининг шаклланиш динамикаси аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хўжағат навлари оддий ва ремонтант гуруҳларга ажратилган ҳолда, юқори ҳосилдор, меваларининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган навлари фермер хўжаликлари учун тавсия этилган, истиқболли хўжағат навларини етиштириш бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган, хўжағат етиштирувчи фермер хўжаликлари учун маҳаллий ва минерал ўғитлар қўллашнинг энг мақбул меъёри ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хўжағат (малина) навларини агробиологик хусусиятлари ва ҳосилдорлигини оширишда ўғитларнинг таъсири бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

Фермер хўжаликлари, резавор меваларни етиштирувчи мутахассислар ва шахсий томорқа ер эгалари учун «Хўжағат етиштириш» номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 28 майдаги 05/04-04-225-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома фермер хўжаликлари ва шахсий томорқа майдонларида хўжағат етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

хўжағатнинг оддий ва ремонтант навларини етиштириш ишланмаси Андижон вилояти Избоскан туманидаги Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Андижон илмий-тажриба станциясида 1,0 га, Андижон вилояти Асака туманидаги “Шухратбек буюк келажаги” фермер хўжалигида 0,50 га ва “Асакалик Обид” фермер хўжалигида 0,50 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 28 майдаги 05/04-04-225-сонли маълумотномаси). Натижада ҳосилдорлик ўртача 15-25 т/га оралиғида бўлиши, иқтисодий самарадорлик 50-60% гача кўтарилишига эришилган.

хўжағат навларини парваришлаш ишланмаси Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги “Мўминжон ота Исмоилов” фермер хўжалигида 1,0 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 28 майдаги 05/04-04-225-сонли маълумотномаси). Натижада экилган кўчатлар иккинчи йили ҳосил бера бошлаган ва 1,5x0,5 м схемада ҳосилдорлик ўртача 15-25 т/га оралиғида бўлиши, иқтисодий самарадорлик 50-60% гача кўтарилишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий

анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 1 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** олиб борилган илмий-тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети берилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Хўжағат (малина) навларини агробиологик хусусиятлари ва ҳосилдорлигини оширишда ўғитлар таъсирининг ўзига хос хусусиятлари (Адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида Хўжағат навларининг келиб чиқиш тарихи ва унинг тарқалиши, хўжағатнинг хўжалик ва биологик хусусиятлари. Жумладан, хўжағат навларининг ўсиши ва ҳосилдорлигига ўғитларнинг таъсири тадқиқотлар маълумотлари баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти, услуги**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган тажриба даласининг тупроқ-иқлим шароити, объекти ҳамда алоҳида тажрибаларни ўтказиш услуги батафсил ёритилган. «Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти, услуги» бўлимида хўжағатни оддий ва ремонтант навлари коллекцияси ўсимликлари билан тажрибалар олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория ва дала тажрибаларини ўтказиш бўйича услублар баён этилган.

Диссертациянинг «**Хўжағат (малина) навларини агробиологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобидан бошлаб тажриба натижалари келтирилган. Ушбу бобида 2020–2022 йилар давомида оддий ва ремонтант хўжағат навларини ривожланишининг агробиологик тавсифи келтирилган.

Хўжағатнинг агробиологик хусусиятларини ўрганиш бўйича тажриба майдонида оддий хўжағатнинг 4 та ва ремонтант хўжағатнинг 5 та навлари устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Оддий хўжағатнинг Барнаульская стандарт навида куртакларнинг бўртиши уч йилда ўртача 21-февралдан бошланган бўлса, Ляшка ва Вислуха навлари эртароқ 1-2 кун олдин, Мальборо навида 1 кун стандартга нисбатан кеч бошланди. Хўжағат навларида куртакларнинг ёзилиши ўртача уч йиллик кузатувда Барнаульская стандарт навида 28-февралда бошланди. Куртакларнинг ёзилиши Ляшка (24/II) навида эрта, Вислуха ва Мальборо навларида эса стандарт нави билан бир кунда (28/II) бошланди. Навлар ичида гуллашнинг бошланиши Барнаульская стандарт навида 3-апрелда кузатилган бўлса, Ляшка навида 1-апрелда, яъни стандартга нисбатан 3 кун эрта, Вислуха (4/IV), Мальборо (5/IV) навлари эса стандарга нисбатан 1-2 кун кеч гуллагани кузатилди.

Оддий хўжағат навларида меваларининг пишишининг бошланиши Барнаульская стандарт навида 30-майда бошланиб, навлар ичида пишишни бошланиши Ляшка (28/V), навида стандартга нисбатан 2 кун эрта, Вислуха(1/VI) навида стандартга нисбатан 1 кун кечроқ бошланди. Навлар ичида пишиш давомийлиги 40 кундан (Мальборо) 42 кунгача (Вислуха) давом этди. Оддий хўжағатнинг Барнаульская стандарт навида вегетация давомийлиги 277 кунни ташкил қилган бўлса, ди. Мальборо навида 276 кунни, Ляшка навида 277 кунни, Вислуха навида 281 кунни ташкил қилди.

Ремонтант хўжағатнинг Прогресс стандарт навида куртакларнинг бўртиши уч йилда ўртача 25 февралдан бошланган бўлса, Желтый гигант (10/II), Геракл (14/II), Августина (19/II), Маравилла (20/II) навлари эртароқ 5-11 кун олдин бошланди.

Куртакларнинг ёзилиши ўртача уч йиллик кузатувда Прогресс стандарт навида 12-мартда бошланган бўлса, Желтый гигант (20/II), Маравилла (24/II), Августина (25/II), Геракл (26/II) навларида анча эрта бошланди. Биринчи гуллаш даврининг бошланиши Прогресс стандарт навида 21-апрелда кузатилган бўлса, Геракл нави 15 апрелда, яъни, стандарт навидан 6 кун эрта, Маравилла ва Августина навлари стандарт нави билан бир кунда, яъни 21-апрелда гуллади. Желтый гигант нави (22/IV) эса назоратга нисбатан 1 кун кеч гуллагани кузатилди. Меваларининг пишишини бошланиши Прогресс стандарт навида 25-майда бошланиб, пишишни тугаши 29-июнгача давом этди. Қолган барча ремонтант навларда пишишни бошланиши Маравилла (23/V), Желтый гигант (22/V), Геракл (19/V), Августина (11/V) навларида стандартга нисбатан 2 кундан 14 кунгача эрта бошланди. Меваларининг пишишини тугаши Маравилла нави (29/VI) стандарт нави билан бир кунда тугаган бўлса, Желтый гигант (21/VI), Августина (21/VI) ва Геракл (24/VI) навларида назоратга нисбатан 5-8 кун эрта тугаганлиги кузатилди. Навлар ичида пишиш давомийлиги 31 кундан (Желтый гигант) 42 кунгача (Августина) давом этди.

Ремонтант хўжағат навларида иккинчи гуллаш даврининг бошланиши Прогресс стандарт навида 21-июнда, Желтый гигант нави 20 июнда, Августина ва Геракл навларида 23-июнда, Маравилла нави эса 25-июнда бошлангани кузатилди. Меваларнинг иккинчи пишишиш даврининг

бошланиши Прогресс стандарт навида 25-июлда бошланиб, пишишни тугаши 16-сентябргача давом этди. Навлар ичида Желтый гигант (23/VII) ва Маравилла (24/VII) навлари стандартга нисбатан 1-2 кун эрта, Августина (29/VII) ва Геракл (3/VIII) навларида стандартга нисбатан 4 кундан 9 кунгача кеч бошланди. Меваларининг пишишини тугаши Желтый гигант нави (10/IX) стандарт навидан 6 кун эрта тугаган бўлса, Маравилла (20/IX), Августина (26/IX) ва Геракл (27/IX) навларида стандартга нисбатан 4-11 кун кеч тугаганлиги кузатилди. Ремонтант навлар ичида иккинчи пишиш давомийлиги 49 кундан (Желтый гигант) 59 кунгача (Августина) давом этди.

Ремонтант хўжағат навларида вегетация Прогресс стандарт навида вегетация давомийлиги 289 кунни, Желтый гигант нави вегетация давомийлиги 283 кунни, Маравилла навида вегетация давомийлиги 298 кунни, Августина навида вегетация давомийлиги 291 кунни, Геракл навида вегетация давомийлиги 297 кунни ташкил қилди. Кузатувлар натижасида ремонтант навлар ичида вегетация даври энг узун бўлган нав Маравилла ва Геракл эканлиги маълум бўлди.

Хўжағатнинг Барнаульская стандарт навида бир тупдаги ҳосили 711,3 граммни ташкил қилиб, бир дона мева ўртача вазни 2,8 граммни, энг йирик мевасининг вазни 3,8 граммни, 100 дона мева вазни 264,2 граммни ташкил қилди. Мальборо навининг бир тупдаги ҳосили эса ўртача 639,6 граммни ташкил қилиб стандарт навига нисбатан 71,7 грамм кам ҳосил олинди. Ляшка (751,3 г) навида эса стандарт навига нисбатан 40 граммгача юқори ҳосил олинди.

Ремонтант хўжағат навларидан олинган ёзги ҳосил тахлил қилинганда 3 йиллик ўртача бир тупдаги ҳосили Прогресс стандарт навида 675,7 граммни ташкил қилди. Навлар ичида Августина навининг бир тупдаги ҳосили ўртача 691,7 граммни, Желтый гигант нави 746,7 граммни ташкил қилиб стандарт навига нисбатан 16-70,3 грамм кўп ҳосил олинди. Маравилла (823,3 г) ва Геракл (801,3) навларида эса стандарт навига нисбатан 125,6 г ва 147,6 граммгача юқори ҳосил олинди.

Хўжағат навларининг битта меваси, энг йирик меваси ҳамда 100 дона мевасининг вазнлари Вислуха навида (2,6; 3,2 ва 260,5 г ) бошқа навларга қараганда энг кичик кўрсаткич қайд этилди. Ляшка навида эса (3,2; 5,6 ва 438,7 г ) битта меваси, энг йирик меваси ҳамда 100 дона мевасининг вазнлари бошқа навларга нисбатан энг яхши натижа кўрсатди. Ремонтант хўжағат навларнинг меваларини сифат кўрсаткичи аниқланганда, Прогресс стандарт навида бир дона мева ўртача вазни 3,8 граммни, энг йирик мевасининг вазни 5,1 граммни, 100 дона мева вазни 332,5 граммни ташкил қилди. Стандарт га нисбатан энг юқори кўрсаткич Геракл навида (6,7; 9,0 ва 665,5 г) бошқа навларга қараганда юқори кўрсаткични ташкил қилди. Ремонтант хўжағат навлари кузги меваларининг вазнлари ўрганилганда энг юқори кўрсаткич бир дона меванинг ўртача вазни Геракл (6,2 грамм) навида стандартга нисбатан 2,9 грамм юқори эканлиги кузатилди. Энг йирик мева вазни Геракл (7,4) навида стандарт навга нисбатан 2,5 грамм юқори бўлган бўлса, меваларнинг

100 дона вазни эса Геракл навида (617,0 грамм) ни стандарт навга нисбатан мос равишда 293,0 граммгача юқори бўлди.

Хўжағат навларининг умумий ҳосилдорлиги таҳлил қилинганда оддий хўжағат Барнаульская стандарт навида 1 гектар майдонда ўртача 9460,7 кг.ни ҳосил олиниб, ҳосилдорлик 94,6 ц/га.ни ташкил этди. Мальборо навидан умумий ҳосил 8538,6 кг.ни ташкил қилиб, ҳосилдорлик (85,4 ц/га.) стандарт навига нисбатан 9,2 ц кам ҳосил олинди. Энг юқори кўрсаткич Ляшка навида аниқланди, умумий ҳосили 9992,7 кг.ни, ҳосилдорлик 99,9 ц/га.ни, яъни стандарт навига нисбатан 5,3 ц юқори ҳосил олинди (1-жадвал).

1-жадвал

### Хўжағат навларининг ҳосилдорлиги 2020-2022 йиллар (1,5x0,5 м)

Хўжағат навлари	Бир тупдаги ҳосил, г	1 га майдондаги ҳосил, га	Ҳосилдорлик ц/га	Назоратга нисбатан қўшимча ҳосил, ц/га
<b>Одий хўжағат</b>				
Барнаульская (st)	0,711	9460,7	94,6	
Вислуха	0,739	9824,3	98,2	+3,6
Мальборо	0,642	8538,6	85,4	-9,2
Ляшка	0,751	9992,7	99,9	+5,3
<b>Ремонтант хўжағат</b>				
Прогресс (st)	1,196	15902,4	159,0	
Маравилла	1,370	18221,0	182,2	+23,2
Желтый гигант	1,353	17990,5	179,9	+20,9
Августина	1,287	17112,7	171,1	+12,1
Геракл	1,412	18775,2	187,8	+28,7

Ремонтант навларнинг ўртача уч йиллик ҳосили ўрганилганда Прогресс стандарт навиинг умумий ҳосили 15902,4 кг.ни ҳосилдорлик 159,0 ц/га.ни ташкил қилди. Маравилла навида эса умумий ҳосил 18221,0 кг.ни ташкил қилиб, ҳосилдорлик 182,2 ц/га.ни, стандарт навига нисбатан 23,2 ц юқори ҳосил олинди. Геракл навида умумий ҳосил 18775,2 кг.ни, ҳосилдорлик 187,8 ц/га.ни, стандарт навига нисбатан 28,7 ц кўп ҳосил олиниб энг юқори натижа қайд этилди.

Одий хўжағатнинг Барнаульская стандарт навида қанд модда миқдори 12,6%, куруқ модда миқдори 13,7%, ва кислота миқдори 0,7%, бўлган бўлса, стандартга нисбатан юқори кўрсаткич Ляшка навида қанд моддаси 13,9%, куруқ модда 14,9% ва кислота 0,8% ташкил этди. Ремонтант хўжағат навларининг ёзги ҳосилидаги меваларида эса Прогресс стандарт навида қанд модда миқдори 12,3%, куруқ модда миқдори 13,2%, ва кислота миқдори 0,8%, бўлган бўлса, юқори кўрсаткич Желтый гигант навида қанд моддаси 13,2%, куруқ модда 14,6% ва кислота 0,8% ни ташкил этди. Ремонтант хўжағат навларининг кузги ҳосилидаги меваларида эса Прогресс стандарт навида қанд модда миқдори 11,2%, куруқ модда миқдори 12,6%, ва кислота миқдори 0,7%,

бўлган бўлса, Желтый гигант навида қанд моддаси 12,3%, куруқ модда 14,5% ва кислота 0,8% юқори кўрсаткич аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

**Хўжағат меваларининг кимёвий таркиби (2020–2022 йй.), 100 г мг%**

Навлар	Ўртача		
	қанд микдори, %	куруқ модда, %	кислота микдори, %
Оддий хўжағат навлари			
Барнаульская (st)	12,6	13,7	0,7
Вислуха	12,1	13,2	0,8
Мальборо	11,2	14,1	0,9
Ляшка	13,9	14,9	0,8
Ремонтан навлар			
Ёзги ҳосил			
Прогресс(st)	12,3	13,2	0,8
Маравилла	13,0	13,5	0,8
Желтый гигант	13,2	14,6	0,8
Августина	11,4	14,0	0,8
Геракл	12,4	13,0	0,8
Кузги ҳосил			
Прогресс(st)	11,2	12,6	0,7
Маравилла	12,0	13,2	0,8
Желтый гигант	12,3	14,5	0,8
Августина	11,5	13,7	0,8
Геракл	11,5	12,3	0,7

Диссертациянинг «Хўжағат навларини ҳосилдорлигини оширишда ўғитларнинг таъсири» деб номланган тўртинчи бобида органик ва минерал ўғитлар қўллаш меъёрларини хўжағат навларининг фенологик фазаларини ўтишига таъсири, хўжағат навларининг новда ва баргларининг шаклланиш динамикаси, тупроқдаги озика моддалар мувозанатига таъсири, меваларнинг биокимёвий таркибини ўзгариши ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсири каби йўналишларда илмий ишлар олиб борилди.

Тажрибаларимизда хўжағатнинг Маравилла ва Геракл навларининг меваларини сифат кўрсаткичлари, ҳамда ҳосилдорлиги таҳлил қилинди.

Хўжағат навларининг меваларини сифат кўрсаткичлари ўрганилганда ўртача уч йиллик натижаларга кўра назорат (ўғитсиз) 1-вариант Маравилла навида ўртача уч йиллик ҳосилдорлик бир дона мева ўртача вазни ёзги ҳосилда 3,2 граммни, кузги ҳосилда эса 2,8 граммни ташкил қилган бўлса, энг йирик мева вазни ёзги ҳосилда 4,3 граммни, кузги ҳосилда эса 3,7 граммни ташкил қилди. Ушбу навда 100 дона мева вазни ёзги ҳосилда 264,2 граммни, кузги ҳосилда эса 258,6 граммни ташкил қилди. Геракл навида бир дона мева ўртача вазни ёзги ҳосилда 3,5 граммни, кузги ҳосилда эса 3,4 граммни ташкил

қилган бўлса, энг йирик мева вазни ёзги ҳосилда 4,3 граммни, кузги ҳосилда эса 4,1 граммни ташкил қилди. Ушбу навда 100 дона мева вазни ёзги ҳосилда 327,2 граммни, кузги ҳосилда эса 312,8 граммни ташкил қилди. Вариантлар ичида барча кўрсаткичлар бўйича назорат вариантларга нисбатан энг юқори натижалар қуйидаги вариантларда кузатилган бўлиб, 4-вариант  $N_{120}P_{95}K_{80}+20$  т/га органик ўғит қўлланилганда Маравилла навида бир дона мева ўртача вазни ёзги ҳосилда 5,5 граммни, кузги ҳосилда эса 4,8 граммни ташкил қилган бўлса, энг йирик мева вазни ёзги ҳосилда 8,2 граммни, кузги ҳосилда эса 7,3 граммни ташкил қилди. Ушбу вариантда 100 дона мева вазни ёзги ҳосилда 568,7 граммни, кузги ҳосилда эса 506,2 граммни ташкил қилди.

Геракл навида эса  $N_{120}P_{95}K_{80}+20$  т/га органик ўғит қўлланилганда бир дона мева ўртача вазни ёзги ҳосилда 6,7 граммни, кузги ҳосилда эса 6,2 граммни ташкил қилган бўлса, энг йирик мева вазни ёзги ҳосилда 9,0 граммни, кузги ҳосилда эса 7,5 граммни ташкил қилди. Ушбу вариантда 100 дона мева вазни ёзги ҳосилда 690,6 граммни, кузги ҳосилда эса 623,0 граммни ташкил қилди. Хўжағат навларининг бир тупдаги ҳосили тахлил қилинганда назорат вариантларда қуйидагича қайд этилди, яъни Назорат (ўғитсиз) 1-вариант Маравилла навида ёзги ҳосил 0,373 кг бўлса, кузги ҳосил 0,201 кг. ни, жами ҳосил эса 0,573 кг. ни ташкил қилди. Геракл навида эса ёзги ҳосил 0,393 кг бўлса, кузги ҳосил 0,212 кг. ни жами ҳосил эса 0,605 кг. ни ташкил қилди. Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган  $N_{150}P_{120}K_{100}$  меъёрадаги ўғитлар қўлланилганда 2-вариант Маравилла навининг бир тупида ёзги ҳосил 0,891 кг бўлса, кузги ҳосил 0,480 кг.ни, жами ҳосил эса 1,371 кг. ни, ушбу меъёр бўйича Геракл навида бир тупида ёзги ҳосил 0,904 кг бўлса, кузги ҳосил 0,487 кг. ни, жами ҳосил эса 1,390 кг ҳосил олинганлиги аниқланди (3-жадвал).

Тажрибаларда энг юқори натижа  $N_{120}P_{95}K_{80}+20$  т/га органик ўғит меъёри қўлланилганда 4-вариант Маравилла навида бир тупида ёзги ҳосил 1,032 кг бўлса, кузги ҳосил 0,556 кг.ни, жами ҳосил эса 1,588 кг. ни ҳосил олиниб назоратга нисбатан 1,015 кг юқори натижага эришилди. Ушбу ўғит қўллаш меъёри бўйича Геракл навида бир тупида ёзги ҳосил 1,210 кг бўлса, кузги ҳосил 0,652 кг. ни, жами ҳосил эса 1,862 кг. ни ташкил қилиб назоратга нисбатан 1,257 кг юқори ҳосил олинди. Шу билан бирга тадқиқотларимизда  $N_{150}P_{120}K_{100}+10$  т/га органик ўғит қўлланилган 6- вариант,  $N_{180}P_{145}K_{120}+10$  т/га органик ўғит қўлланилган 9- вариант ҳамда  $N_{180}P_{145}K_{120}+20$  т/га органик ўғит қўлланилган 10 вариантда ҳам назоратга нисбатан 0,938-1,149 кг. гача юқори ҳосил олинганлиги аниқланди.

Шунингдек, Хўжағат навларининг ҳосилдорлигига турли ўғит қўллаш меъёрларини тасири ўрганиб борилди. Тадқиқотларимизда 2020-2022 йилларда органик ва минерал ўғитларни турли меъёрларда қўллаш натижасида олинган хўжағат навларининг ҳосилдорлигининг ўртача уч йиллик кўрсаткичлари тахлил қилинди.

Тахлил натижаларига кўра назорат (ўғитсиз) вариантларда, яъни 1-вариант Маравилла навида ўртача уч йиллик ҳосилдорлик 76,4 ц/га.ни ташкил этган бўлса Геракл навида 80,6 ц/га.ни ташкил этди.

**Хўжағат навларининг меваларини сифат кўрсаткичлари, экиш схемаси  
1,5x0,5 м (2021-2022 йй.)**

Вариант	Навлар	Қўлланилган органик ва минерал ўғитлар меъёрлари, кг/га, т/га	Бир дона мева ўртача вазни, г		Энг йирик мева вазни, г		100 дона мева вазни, г	
			ёзги	кузги	ёзги	кузги	ёзги	кузги
I	Маравилла	Назорат (ўғитсиз)	3,2	2,8	4,3	3,7	264,2	258,6
	Геракл		3,5	3,4	4,3	4,1	327,2	312,8
II	Маравилла	N <sub>150</sub> P <sub>120</sub> K <sub>100</sub> (хўжалик ўғит меъёрлари)	4,7	3,9	7,2	6,7	446,6	401,2
	Геракл		4,8	4,0	7,3	6,8	456,8	408,3
III	Маравилла	N <sub>120</sub> P <sub>95</sub> K <sub>80</sub> +10 т/га Органик ўғит	5,0	4,2	7,6	7,1	497,4	439,6
	Геракл		5,2	4,5	8,0	7,3	520,5	470,3
IV	Маравилла	N <sub>120</sub> P <sub>95</sub> K <sub>80</sub> +20 т/га Органик ўғит	5,5	4,8	8,2	7,3	568,7	506,2
	Геракл		6,7	6,2	9,0	7,5	690,6	623,0
V	Маравилла	N <sub>120</sub> P <sub>95</sub> K <sub>80</sub> +30 т/га Органик ўғит	5,0	4,2	7,7	7,0	500,2	447,4
	Геракл		6,5	6,0	8,7	7,4	640,7	590,2
VI	Маравилла	N <sub>150</sub> P <sub>120</sub> K <sub>100</sub> +10 т/га Органик ўғит	5,1	4,3	7,8	7,1	512,6	458,5
	Геракл		6,6	6,1	8,8	7,4	665,5	607,4
VII	Маравилла	N <sub>150</sub> P <sub>120</sub> K <sub>60</sub> +20 т/га Органик ўғит	4,9	4,1	7,5	6,9	472,4	421,4
	Геракл		5,4	4,7	8,2	7,2	542,8	488,3
VIII	Маравилла	N <sub>150</sub> P <sub>120</sub> K <sub>100</sub> +30 т/га Органик ўғит	4,5	3,6	6,7	6,1	422,7	384,7
	Геракл		4,9	4,1	7,4	6,9	467,6	416,6
IX	Маравилла	N <sub>180</sub> P <sub>145</sub> K <sub>120</sub> +10 т/га Органик ўғит	5,3	4,6	8,1	7,1	520,5	475,5
	Геракл		5,4	4,7	8,2	7,3	552,6	502,1
X	Маравилла	N <sub>180</sub> P <sub>145</sub> K <sub>120</sub> +20 т/га Органик ўғит	5,2	4,4	7,9	7,2	518,4	464,7
	Геракл		5,0	4,3	7,7	7,2	510,2	453,5
XI	Маравилла	N <sub>180</sub> P <sub>145</sub> K <sub>120</sub> +30 т/га Органик ўғит	5,1	4,3	7,8	7,1	515,8	461,4
	Геракл		5,4	4,7	8,2	7,3	547,8	490,3

Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>100</sub> меъёрдаги ўғитлар қўлланилганда 2-вариант Маравилла навида ўртача уч йиллик ҳосилдорлик 182,7 ц/га. ни ташкил этиб назоратга нисбатан 106,3 центнер юқори ҳосил олинди. Ушбу меъёр бўйича Геракл навида ҳосилдорлик 185,3 ц/га ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 104,7 центнер юқори ҳосил олинганлиги аниқланди.

Навларга N<sub>120</sub>P<sub>95</sub>K<sub>80</sub>+10 т/га органик ўғит қўлланилганда 3-вариант Маравилла навида ўртача уч йиллик ҳосилдорлик 196,6 ц/га. ни ташкил қилиб назоратга нисбатан 120,2 центнер юқори ҳосил олинган. Геракл навида эса ҳосилдорлик 210,8 ц/га ни ташкил қилиб назоратга нисбатан 130,2 центнер юқори ҳосил олинганлиги аниқланди.

Тажрибаларда N<sub>120</sub>P<sub>95</sub>K<sub>80</sub>+20 т/га органик ўғит меъёри қўлланилганда 4-вариант Маравилла навида ўртача уч йиллик ҳосилдорлик 211,7 ц/га. ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 135,3 центнер юқори ҳосил олинган бўлса, Геракл навида эса ушбу ўғит меъёрини қўллаш асосида ҳосилдорлик 248,2 ц/га. ни ташкил қилиб назоратга нисбатан 167,6 центнер юқори ҳосил олинди.

Шу билан бирга тадқиқотларимизда N<sub>120</sub>P<sub>95</sub>K<sub>80</sub>+30 т/га органик ўғит қўлланилганда 9-вариант Маравилла навида ўртача уч йиллик ҳосилдорлик 198,7 ц/га. ни ташкил қилиб назоратга нисбатан 122,3 центнер юқори ҳосил олинган бўлса, ушбу меъёрни қўллаш натижасида 10-вариант Геракл навида 225,5 центнер ҳосил олинди, назоратга нисбатан 144,9 центнер юқори ҳосил олинди. Танлаб олинган навларга N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>100</sub>+10 т/га органик ўғит

қўлланилганда 6-вариант Маравилла навида ўртача ҳосилдорлик 201,4 ц/га. ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 125 центнер юқори ҳосил олинган бўлса, ушбу ўғит қўллаш меъёри асосида Гекракль навида ҳосилдорлик 233,7 ц/га. ни назоратга нисбатан эса 153,1 центнер юқори ҳосил олинганлиги аниқланди.

Хўжағат навларига  $N_{180}P_{145}K_{120}+10$  т/га органик ўғит қўлланилганда 9-вариант Маравилла навида ўртача уч йиллик ҳосилдорлик 203,6 ц/га. ни ташкил қилиб, назоратга нисбата 127,2 центнер юқори ҳосил олинган бўлса, ушбу ўғит қўллаш меъёри асосида Геракл навида ўртача ҳосилдорлик 218,2 ц/га. ни ташкил қилиб назоратга нисбатан 137,6 центнер юқори ҳосил олинди.

Шунингдек тадқиқотларимизда хўжағат навларига  $N_{180}P_{145}K_{120}+20$  т/га органик ўғит қўлланилганда 10-вариант Маравилла навида ўртача уч йиллик ҳосилдорлик 205,7 ц/га. ни ташкил қилиб назоратга нисбатан 129,3 центнер юқори ҳосил олинган бўлса, ушбу меъёрни қўллаш натижасида Геракл навида 221,3 центнер ҳосил олиниб, назоратган нисбатан 140,7 центнер юқори ҳосил олинди (4-жадвал).

4-жадвал

**Тажрибада хўжағат навлари ҳосилдорлиги, ц/га**

Вариант	Навлар	Қўлланилган м органик ва минерал ўғитлар меъёрлари, кг/га, т/га	Ўртача 3 йиллик	Назоратга нисбатан фарк
I	Маравилла	Назорат (ўғитсиз)	76,4	-
	Геракл		80,6	-
II	Маравилла	$N_{150}P_{120}K_{100}$ (хўжалик ўғит меъёрлари)	182,7	+ 106,3
	Геракл		185,3	+ 104,7
III	Маравилла	$N_{120}P_{95}K_{80}+10$ т/га Органик ўғит	196,6	+ 120,2
	Геракл		210,8	+ 130,2
IV	Маравилла	$N_{120}P_{95}K_{80}+20$ т/га Органик ўғит	211,7	+ 135,3
	Геракл		248,2	+ 167,6
V	Маравилла	$N_{120}P_{95}K_{80}+30$ т/га Органик ўғит	198,7	+ 122,3
	Геракл		225,5	+ 144,9
VI	Маравилла	$N_{150}P_{120}K_{100}+10$ т/га Органик ўғит	201,4	+ 125,0
	Геракл		233,7	+ 153,1
VII	Маравилла	$N_{150}P_{120}K_{60}+20$ т/га Органик ўғит	188,3	+ 111,9
	Геракл		216,8	+ 136,2
VIII	Маравилла	$N_{150}P_{120}K_{100}+30$ т/га Органик ўғит	165,5	+ 89,1
	Геракл		187,3	+ 106,7
IX	Маравилла	$N_{180}P_{145}K_{120}+10$ т/га Органик ўғит	203,6	+ 127,2
	Геракл		218,2	+ 137,6
X	Маравилла	$N_{180}P_{145}K_{120}+20$ т/га Органик ўғит	205,7	+ 129,3
	Геракл		221,3	+ 140,7
XI	Маравилла	$N_{180}P_{145}K_{120}+30$ т/га Органик ўғит	202,6	+ 126,2
	Геракл		217,4	+ 136,8

Хўжағат навларига  $N_{180}P_{145}K_{120}+30$  т/га органик ўғит қўлланилганда 11-вариант Маравилла навида ўртача уч йиллик ҳосилдорлик 202,6 ц/га. ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 126,2 центнер юқори ҳосил олинган бўлса, ушбу ўғит қўллаш меъёри асосида Геракл навида ўртача ҳосилдорлик 217,4 ц/га.ни ташкил қилиб назоратга нисбатан 136,8 центнер юқори ҳосил олинди. Тажриба натижаларини таҳлил қилиш асосида хўжағат навларига

$N_{120}P_{95}K_{80}+20$  т/га органик ўғит меёрларини қўллаш натижасида энг юқори ҳосил олинганлиги маълум бўлди.

«Хўжағат навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш» деб номланган бўлимда органик ва минерал ўғит қўллаш меёрлари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинди. 2020-2022 йиллар давомида хўжағат навларидан етиштирилган ҳосилнинг 1 кг. сотиш нархи 10000 сўмни ташкил қилди. Таҳлил натижаларига кўра назорат (ўғитсиз) вариантларда, яъни 1-вариант Маравилла навида ўртача ҳосилдорлик 76,4 ц/га.ни ташкил қилиб, ялпи маҳсулот қиймати 76400 минг сўмни ташкил қилган бўлса, соф фойда эса 44220,1 минг сўмни, рентабеллик даражаси 137,4% ни ташкил этди. Геракл навида 80,6 ц/га.ни ташкил қилиб, ялпи маҳсулот қиймати 80600 минг сўмни, соф фойда эса 48369,2 минг сўмни, рентабеллик даражаси 150,1% ни ташкил этди. Ўғит қўллаш меёрлари бўйича энг юқори кўрсаткич 4 вариантда акс этган бўлиб, ушбу вариантда  $N_{120}P_{95}K_{80}+20$  т/га органик ўғит қўллаш орқали Маравилла навида ҳосилдорлик 211,7 ц/га.ни ташкил қилиб, ялпи маҳсулот қиймати 211700 минг сўмни, соф фойда эса 172626,8 минг сўмни, рентабеллик даражаси 441,8% ни ташкил этди. Геракл навида 248,2 ц/га.ни ташкил қилиб, ялпи маҳсулот қиймати 248200 минг сўмни, соф фойда эса 208685,8 минг сўмни, рентабеллик даражаси 528,1% ни ташкил этди (5-жадвал).

5-жадвал

### Хўжағат навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

Навлар	Қўлланилган органик ва минерал ўғитлар меёрлари, кг/га, т/га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи маҳсулот қиймати, минг сум	Ишлаб чиқариш харажатлари, минг сум	Соф фойда, минг сум	1 ц маҳсулот танархи, минг сум	Рентабеллик, %
Маравилла	Назорат (ўғитсиз)	76,4	76400	32180,0	44220,1	421,2	137,4
Геракл		80,6	80600	32230,8	48369,2	399,9	150,1
Маравилла	$N_{150}P_{120}K_{100}$ (хўжалик ўғит меёрлари)	182,7	182700	35402,9	147297,1	193,8	416,1
Геракл		185,3	185300	35434,4	149865,6	191,2	422,9
Маравилла	$N_{120}P_{95}K_{80}+10$ т/га	196,6	196600	37054,3	159545,7	188,5	430,6
Геракл		210,8	210800	37225,9	173574,1	176,6	466,3
Маравилла	$N_{120}P_{95}K_{80}+20$ т/га	211,7	211700	39073,2	172626,8	184,6	441,8
Геракл		248,2	248200	39514,2	208685,8	159,2	528,1
Маравилла	$N_{120}P_{95}K_{80}+30$ т/га	198,7	198700	40752,7	157947,3	205,1	387,6
Геракл		225,5	225500	40752,6	184747,4	180,7	453,3
Маравилла	$N_{150}P_{120}K_{100}+10$ т/га	201,4	201400	37453,7	163946,3	186,0	437,7
Геракл		233,7	233700	37843,9	195856,1	161,9	517,5
Маравилла	$N_{150}P_{120}K_{60}+20$ т/га	188,3	188300	39169,9	149130,1	208,0	380,7
Геракл		216,8	216800	39476,2	177323,8	182,1	449,2
Маравилла	$N_{150}P_{120}K_{100}+30$ т/га	165,5	165500	40692,8	124807,2	245,9	306,7
Геракл		187,3	187300	40952,6	146347,4	218,6	357,4
Маравилла	$N_{180}P_{145}K_{120}+10$ т/га	203,6	203600	37821,5	165778,5	185,8	438,3
Геракл		218,2	218200	37995,5	180204,5	174,1	474,3
Маравилла	$N_{180}P_{145}K_{120}+20$ т/га	205,7	205700	39686,9	166013,1	192,9	418,3
Геракл		221,3	221300	39868,2	181431,8	180,2	455,1
Маравилла	$N_{180}P_{145}K_{120}+30$ т/га	202,6	202600	41487,1	161112,9	204,8	388,3
Геракл		217,4	217400	41656,3	175743,7	191,6	421,9

Ишлаб чиқариш харажатлари 37843,9 минг сўмни, соф фойда эса 195856,1 минг сўмни ташкил этди. Танлаб олинган хўжағат навларининг 1 ц. маҳсулот таннарҳи 161,9 минг сўмни ташкил қилиб, рентабеллик даражаси 517,5% ни ташкил этди.  $N_{180}P_{145}K_{120}+10$  т/га Органик ўғит меъёри қўлланилганда 9-вариант Маравилла навида ялпи маҳсулот қиймати 203600 минг сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 37821,5 минг сўмни, соф фойда эса 165778,5 минг сўмни рентабеллик даражаси 438,3% ни ташкил этган бўлса, Геракл навида ялпи маҳсулот қиймати 218200 минг сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 37995,5 минг сўмни, соф фойда эса 180204,5 минг сўмни, рентабеллик даражаси 474,3% ни ташкил этди

## ХУЛОСАЛАР

1. Оддий хўжағатнинг Ляшка ва Вислуха навлари ремонтант хўжағатнинг эса Желтый гигант нави эртаки эканлиги, меваларининг сифат кўрсаткичлари бўйича эса оддий хўжағатнинг Ляшка ва Мальборо навлари, ремонтант хўжағатнинг Геракл ҳамда Маравилла навлари юқорилиги билан ажралиб чиқди.

2. Оддий хўжағатнинг Ляшка (99,9 ц/га) ва Вислуха (98,2 ц/га) навлари, ремонтант хўжағатнинг Геракл (187,8 ц/га) ва Маравилла (182,2 ц/га) навлари ҳосилдорлиги юқори навлардир.

3. Хўжағат навларида буталар сони ва новдаларнинг ўсиш меъёри ўрганилганда  $N_{120}P_{95}K_{80}+20$  т/га Органик ўғит меъёрлари қўлланилганда буталаридаги новдалар сони (5-6 та) ҳамда новда узунлиги (181,7-198,4 см) оптимал даражада ривожланди.

4. Олинган натижаларга кўра  $N_{120}P_{95}K_{80}+20$  т/га органик ўғит қўлланилганда тупроқдаги гумус ва ўғитлар комбинациясини ўртача даражада сақлаб туриш хусусияти энг самарали эканлиги қайд этилди.

5. Меваларининг кимёвий таркиби  $N_{180}P_{145}K_{120}+10$  т/га Органик ўғит қўллапнилганда Маравилла навида қанд миқдори 14% ни, куруқ модда миқдори 15,6% ни, умумий кислота миқдори 1,5% ни, Геракл навида эса қанд миқдори 13,8% ни, куруқ модда миқдори 15,4% ни, умумий кислота миқдори 1,5% юқори даражада эканлиги билан ажралиб чиқди.

6. Вегетация даври давомида хўжағат навларининг бир йиллик новдаларини ўсиши Ж.Саксинг эгри чизикли (S) синиш қонуниятига мос равишда ривожланиши илмий исботланди.

7. Хўжағат навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги IV-вариант  $N_{120}P_{95}K_{80}+20$  т/га Органик ўғит қўлланилганда Маравилла навида соф фойда 172626,8 минг сўмни, рентабеллик даражаси 441,8% ни ташкил этган бўлса шу вариантдаги Геракл навида соф фойда 208685,8 минг сўмни, рентабеллик даражаси 528,1% ни ташкил этди.

Хўжағат навларидан боғ барпо қилувчи ва етиштирувчи хўжаликларига:

- Республикамининг барча худудларига, хусусан Андижон вилоятига мева сифат кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги юқори ҳамда йил давомида ҳосил

берадиган ремонтант хўжағатнинг Маравилла, Геракль, Августина ва Желтый гигант навларини экиш;

- Хўжағат навларидан сифатли ва юқори ҳосил олишда назоратга нисбатан IV-вариант  $N_{120}P_{95}K_{80}+20$  т/га Органик ўғит қўллаш меъёри тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИИ**

**ТАДЖИБОВ ХАСАНБОЙ РУСТАМБЕК УГЛИ**

**ВЛИЯНИЕ УДОБРЕНИЙ НА АГРОБИОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА И  
ПРОДУКТИВНОСТЬ СОРТОВ МАЛИНЫ (НА ПРИМЕРЕ АНДИЖАНСКОЙ  
ОБЛАСТИ)**

**06.01.07 – Плодоводство и виноградарство**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Ташкент – 2024**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2021.3.PhD/Qx795.**

Диссертация выполнена в Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Абдуллаева Хилола Равшановна</b> доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Ильхом Тургунович Нормуратов</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор; <b>Шоумаров Хикмат Бахромович</b> кандидат сельскохозяйственных наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Научно-исследовательский институт лесного хозяйства</b>

Защита диссертации состоится 25 сентября 2024 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 551642). (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 12 сентября 2024 г.  
(реестр протокола рассылки 26 от 16 августа 2024 г.).

**Ш.И.Асатов**  
Председатель Научного совета  
по присуждению учёных  
степеней, д.с.х.н., профессор

**М.З.Холмуротов**  
Ученый секретарь Научного  
совета по присуждению учёных  
степеней, д.ф.с.х.н., доцент

**С.А.Юнусов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по  
присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (Phd))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Объем мирового производства малины составляет 886,5 тыс. тонн. «В мировом производстве малины на первом месте находится Российская Федерация, которая производит 197,7 тыс. тонн. Далее следуют Мексика (165,7 тыс. тонн), Сербия (110,6 тыс. тонн), Польша (103,9 тыс. тонн) и США (81,2 тыс. тонн). Эти страны составляют 74,34% от общего объема производства малины в мире. В других странах производится в общей сложности 227,4 тыс. тонн малины»<sup>1</sup>. Низкий объем производства малины в некоторых странах по сравнению с другими плодово-ягодными культурами может быть связан с недостаточным количеством сортов малины и отсутствием соответствующих агро-технических мероприятий. Поэтому выбор высокоурожайных сортов, подходящих к различным почвенно-климатическим условиям, а также разработка агро-технических программ для их возделывания являются актуальными задачами.

В России, США, Польше, Мексике и других странах Европы проводятся научные исследования, направленные на повышение эффективности выращивания ягод малины, обеспечение высоких товарных качеств плодов и улучшение их биохимического состава, а также на увеличение урожайности за счет применения различных удобрений.

